

Давлатшоҳ Самаркандий Алишер Навоийни “Мир Низомиддин”, яъни “диннинг низоми – конуни” деб бежиз улугламаган. Хазрат Навоийнинг деярли барча асарларида, хусусан, “Хамса” дostonларининг мукаддималарида Аллохга хамд, Пайгамбарга наът, муножот ва Расулуллох с.а.в мадхининг мавжудлигиёк бу фикрни тасдиқлайди. Биз куйида кўриб чиқадиган асарларда Алишер Навоий шариат ва тасаввуф илмининг чуқур билимдони, назарийётчиси сифатида намоён бўлади.

“Арбаъин” (“Кирк хадис”) – хадисларнинг шеърӣ таржимаси бўлиб, анъанавӣ хамд ва наът билан бошланади. Асар мукаддимаси – “Сабаби таълифи манзума”да Навоий устози Абдурахмон Жомӣ сахих хадислардан 40 тасини танлаб олиб, форсий тилда “Арбаъин” яратганини, лекин туркий китобхон бу чашмадан бебахра эканлигини айтиб, Жомӣнинг рухсати билан шу 40 хадисни туркий тилга таржима қилганлигини ёзади:

Форсийдонлар айлабон идрок,

Орий эрди бу нафъдин атрок.

Истадимки, бу халк хам бори

Бўлмагайлар бу нафъдин орий.

Мен демакни чу муддао айлаб,

Ул ижозат бериб дуо айлаб.

Шунингдек, мукаддимада Навоий Жомий ўз асарини хижрий 886 (милодий 1486) йилда яратганлигини, у хам тез орада устозидан ижозат олиб, асарни бир-икки кун ичида тамомлаганини айтади:

Бир-ики кунки эҳтимом эттим,

Кўз тутардин бурун тамом эттим.

Ушбу маълумотдан Алишер Навоий ўз асарини Жомий билан бир даврда яратган деган хулосага келиш мумкин. Шоир Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг хадисларини аввал араб тилида беради ва унинг таржимасини шеърини усулда такдим этади.

“Арбаъин”нинг асосий қисми “Сизлардан ҳеч бирингиз ўзига раво кўрган нарсасини биродарига раво кўрмагунча, чин мўъмин бўлолмайди” деган машхур хадиснинг навоиёна талқини билан бошланади:

Мўъмин эрмастур, улки иймондин

Рўзгорида юз сафо кўргай.

Токки кардошига раво кўрмас –

Хар неким ўзига раво кўргай.

Танланган хадисларнинг деярли барчаси комил инсон ахлокига оид карашларни ўзида акс эттирганини кўришимиз мумкин. Бу хадисларда инсонлар яхшилик килишга чорланади, ёмон иллатлардан кайтарилади, умуман олганда, улар инсоннинг хаёт ва жамиятдаги вазифасини англатади. Масалан, “Инсонларнинг энг яхшиси – инсонларга фойдаси тегадиганидир” деган хадисни Алишер Навоий туркий тилда шундай ифода этади:

Халк аро яхширок, дединг, кимдур?

Эшитиб, айла шубха рафъ андин.

Яхширок бил ани улус ароким,

Етса кўпрак улуска нафъ андин.

Кўриб ўтганимиздек, ушбу шарх оркали инсоннинг улусга – жамиятга хизмат килиши улугланяпти. Машхур “Курашда голиб чиккан пахлавон эмас, балки газаби келганда ўзини енга олган одам пахлавондир” хадисини шоир шундай талкин килади:

Эмас ул пахлавонки ўз кадрин

Бош уза элтибон нигун килгай.

Пахлавон они билки етса газаб

Нафси амморани забун килгай.

Мазкур хадис инсонни ўз нафси – газаби устидан хокимлик килишга чакиради. Алишер Навоий буни таржима килиш оркали киши жахлга кул бўлиб қолишдан сакланиши кераклигини эслатяпти.

Умуман олганда, “Арбаъин” асари инсоннинг маънавиятини юксалтиришга хизмат килади. Бу ҳақда шоир асарнинг хотима қисмида айтиб ўтади:

Эрур ул арбаъиннинг аввали хол,

Айла бу “Арбаъин” била аъмол.

Асарнинг умумий хажми 108 байтдир. Эътиборли жихати, кириш (хамд ва наът) ва якуний қисмлар бир хил – 5 байтдан иборат.

Асосий қисмда келтирилган шеърлар шакл жихатидан китъа сингари бўлиб, бунда факат жуфт мисралар кофияланган ва ток мисралар очик қолдирилган:

Тенгридин раҳм агар тамаъ қилсанг,

*Аввал ўлмок кераксен элга **раҳим**.*

Хар кишиким улуска раҳм этмас,

*Анга раҳм айламас раҳими **қарим**.*

“Арбаъин” хафиф бахрининг *хафифи мусаддаси солими махбуни махзуф* ёки мактуъ
(рукнлари ва тактеъи:
фоилотун мафоилун фаилун ёки фаълун
– V – – / V – V – / V V –
ёки
– –) вазнида яратилган.

Алишер Навоийнинг **“Вакфия”** асари 1481-82 йиллар оралигида яратилган бўлиб, Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти, вакф килдирган ерлари, курдирган бинолари хақида маълумот берувчи асардир [\[1\]](#). “Вакфия” Хамд, наът ва Султон Хусайн Бойкаро мадхини ўзи ичига олган каттагина мукаддима билан бошланади. Асарнинг асосий қисмини шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин:

1. Навоийнинг Султон Хусайн Бойкаро саройидаги давлат арбоби сифатидаги фаолияти акс этган ўринлар.

2. Навоийнинг хайрия ишлари ва вакф килдирган мулк, ерлари; вакфия жойлардаги идора усули, хизмат учун белгиланган лавозимлар, тайин этилган маош, ўрнатилган тартиб-қоидалар баёни.

Хар бир қисм муайян тарздаги мукаддима ва хотимани ўз ичига олади.

Асарда Навоийнинг мамлакат ободлиги ва эл-юрт фаровонлигига доир муҳим фикрлари ҳам ўз ифодасини топган:

То хирсу хавас хирмани барбод ўлмас,

То нафсу хаво касри барафтод ўлмас.

То зулму ситам жонига бедод ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Алишер Навоийнинг “**Назму-л-жавохир**” асари насрий усулда ёзилган мукаддима ва Ҳазрати Алининг икки юз эллик беш ракам остида тартибланган араб тилидаги ўғитларининг туркий тилда рубоий шаклида берилган талкинидан иборат.

Асар мукаддимаси ҳамд ва наът билан бошланиб, унда сўз ва унинг кудрати, инсон яратилиши билан боглик диний-тасаввуфий карашлар баёни келтирилади. Шунингдек, шоир “Назму-л-жавохир”нинг ёзилиши билан боглик маълумотларга тўхталади. Хар бир фикр сура ва хадислардан парчалар келтириб исботлаб борилади, уларнинг таъсирчанлигини ошириш учун тўрт мисраси ҳам кофиядош – таронайи рубоийлардан фойдаланилади.

Шунингдек, мукаддимада шоир анчадан буён Ҳазрат Алининг ўғитларини шеърга солмокчи бўлиб юрганини, лекин негадир бунга журъат кила олмаётганлигини айтади. Шох Хусайн Бойкаро “Рисола” битгач, унга жавоб тарикасида ушбуни ёзишга қарор қилади. Айнан “Насру-л-лаолий”ни Хусайн Бойкаро рисоласига жавоб тарзида таржима қилишида ҳам маъно бўлиб, бу Ҳазрати Алининг Ислом оламида тутган юксак ўрни билан изоҳланади. Хусайн Бойкаро даражаси Ҳазрати Алининг макоми билан киёс этилади. Бундан ташқари, ўша даврда Ҳазрат Али хикматлари форсий шоирлар томонидан назмга солинган бўлиб, Алишер Навоий улар билан яхши таниш бўлган ва бу анъанани туркий тилда амалга

оширишни мақсад қилган

[2]

Алишер Навоий шохнинг саховатини, адолатини меҳр билан таърифлагач, Ҳазрат Али ўғитлари талқинларини рубоий тарзида беришини маълум қилади. Мазкур рубоийларнинг тўрт мисраси ҳам кофиядош бўлишида рамзий маъно бор: шох тахтининг тўрт пояси уни кўтариб туради, Каъбатуллохни биз тўрт девори бўлганлиги учун тасаввур эта оламиз, фалакнинг тўртинчи қавати куёшнинг масканидир ва бошқалар:

Хар бирини тўрт дурри шахвор дегил,

Тўртунчи фалакда меҳр заркор дегил.

Рубъи маскунда Каъбаи осор дегил,

Байтул муқаддаска тўрт девор дегил.

Сўнг Ҳазрат Алининг ўғитлари “Насру-л-лаолий” (“Сочма дурлар”) деб аталган бўлса, бу таржима “Назму-л-жавохир” (“Назм жавохирлари”) деб номлангани айтилади, бу сочма дурларни бир риштага – ипга жавохир сингари тизилганига ҳам ишорадир ва шоир ушбу байтларини халқ учун манфаатли ва ёқимли бўлишини илтижо қилган мазмундаги 3 рубоийи тароналарини илова қилади.

Асарнинг асосий кисми ўзига хос тузилишга эга. Даставвал, хазрат Алининг араб тилидаги фалсафий ўғитлари келтирилади, сўнг эса туркий тилда рубоий шаклидаги талкин берилади. Биз бу ўринда таржима эмас, кўпроқ талкин атамасини ишляпмиз. Чунки Алишер Навоий тўғридан-тўғри таржимани эмас, балки бадий жихатдан бойитилган фикрларни такдим этади.

“Назму-л-жавохир”даги рубоийлар мавзу жихатдан ранг-барангдир. Уларда биз хаётнинг мохияти, дўстлик ва севгининг улугворлиги, инсонийликнинг кадр-киммати тўғрисидаги нодир фикрлардан бахраманд бўламиз. Масалан, 100-рубоийга хазрат Алининг “Дўстларни зиёрат килиш мухаббатни оширади” деган ўғитлари асос килиб олинган:

Хар кимки хабибинг ўлса эврул бошига,

Махв ўл юзига, жонни фидо кил қошига,

Тош урса, равонингни тусфайл эт бошига,

Таждиди мухаббат англа бормок қошига.

Кўриб турганимиздек, Навоий хазрати Алининг фикрини талкин килиш баробарида бу фикрни тўлдириб, таъсир кувватини оширувчи ёндашувни беряпти: “*Ким дўстинг бўлса, унинг бошига айлан, яъни хар бир хаёлу ўйидан хабардор бўл, дийдори учун, қошига бориш учун жон фидо кил. Агар тош урса хам унга ўзингни багишла, унинг қошига бориш мухаббатни зиёда килишини англа!*”

Ёки 237-рубойида “Кишининг улуглиги унинг химматидан билинади” деган фикр шархланади:

Хар кимсаки икбол анинг ёваридур,

Хар ёнки юз урса, химмати рахбаридур,

Химмат дури фахр тожининг гавхаридур,

Чун химмати одам ўглининг сарваридур.

Умуман олганда, Алишер Навоий “Назму-л-жавохир” асарида ўзининг дунё ва хаёт хақидаги фалсафасини янада аниқроқ шаклда юксак бадий маҳорат билан намойиш қилади. Биз бу асар орқали шоирни файласуф-донишманд кифосида кўраемиз.

Алишер Навоийнинг **“Сирожу-л-муслимин”** (“Муслмонлар нури”) асари соф диний йўналишда бўлиб, ислом дини аҳкомларини ёритишга бағишланган. Асар маснавий шаклида ёзилган бўлиб, ҳажман 197 байтдан иборат. “Сирожу-л-муслимин” ҳамд ва наът, китоб ёзилишининг сабаби, исломга оид фикхий ва ақидавий масалалар шарҳи ва хотимани ўз ичига олади.

Ҳазрат Навоий, аввало, Аллоҳга ҳамд ва Пайгамбаримиз Мухаммад с.а.в.га салот ва саломларини йўллагач, мазкур китоб назмининг сабаби баёнига ўтади. Даставвал султон Хусайн Бойқарога чексиз хурматини изҳор этиб, бир воқеани баён қилади. Унга кўра,

шоҳ мажлисларидан бирида бир нуқтадон инсон Хусайн Бойкарога: “Навоийнинг шеърлари жуда ажойиб, ундан бахраманд бўлган одам яна бахра олмокни хоҳлайди, лекин бундан не фойда бор?”, – деган маънода фикр билдиради. Аслида шоир кўпдан буюн фикр ва ақидага доир асар ёзишни ният қилиб юрардию, азбаройи юмуш кўплигидан бунга фурсат тополмаётган эди. Самарқанддан бир улуг инсоннинг Хиротга ташриф буюриб, пири муршид Хожа Ахрор Валийнинг шоирдан диний масалалар шарҳини ёритувчи китоб ёзишни сўраганини айтганидан сўнг Алишер Навоий катта иштиёқ билан ишга киришади:

...Чу сўрди Исо анфоси бу дамни,

Хам ул дам азмига йўндум каламни...

Алишер Навоий “Китоб назмининг сабаби” қисмида аввал ақида шарҳини, сўнг фарз, вожиб, суннатни баён этишини, бундан аҳли исломга фойда бўлишини айтади:

...Хам этқаймен бурун шарҳи ақойид,

Ки, ислом аҳлига бергай фавойид.

Яна хам фарз, хам вожиб, сунан хам,

Неки ориз бўлур яхши, ёмон хам...

Асарнинг асосий қисмида Алишер Навоий ўзи айтганидек, даставвал акоид хамда шариат ҳукмлари шарҳига тўхталади. Бунда шоир ислом аҳкоми икки қисм: ақида ва амал (шариат)дан иборат деб ёзар экан, ақида пок бўлмаса, амалнинг аҳамияти юқори бўлмаслигини таъкидлайди.

Алишер Навоий иймон шартлари сифатида Аллохнинг биру борлигига, фаришталарга, илохий китобларга, пайгамбарларга, охират кунига, қадар – тақдирга ишониш қабиларни санаб ўтади.

Кейинги қисмда шоир Аллохнинг сифатларини баён этади. Унга кўра, мўмин инсон Аллохнинг замон ва макондан муназзах – холи эканига, шериги йўқлигига, унинг безавол илмига, эшитиш ва кўришига, каломига, тақдир эгаси эканига ишониши шарт. Ҳазрат Навоий, шунингдек, Аллохнинг ўхшаши йўқ, унинг қудрати ҳар қандай жисмдан холи бўлиб, бандалар қабил эҳтиёжманд эмасдур деган ислом ақидасидаги фикрни уқтирар экан, бунга исбот тариқасида “Шўро” сурасидаги 11-оятни келтиради.

Кейинги бобда шоир ислом ақидасидаги – қабр азоби, қабрдаги савол-жавоб, сирот кўприги, тарози, дўзах, жаннат, Расулulloх с.а.в. шафоати, набийлар мўжизалари, авлиёлар қаромати ҳақ эканини таъкидлайди хамда қохин [\[3\]](#) ни тасдиқ этиш қуфр эканини хам айтиб ўтади.

Ислом ақидаси шартлари баёнидан сўнг Алишер Навоий ислом аҳкомларини ёритади. Бунда шоир ислом дини фарзлари – таҳорат, гусл, намоз, закот, рамазон рўзаси, ҳаж билан боғлиқ шариат ҳукмларини батафсил баён этади.

Асарнинг хотима қисмида шоир ўз манзумаси инсонлар учун фойдали бўлишидан умид

килиб, мусулмонлар дилини равшан этсин, дея бу китобга “Сирожу-л-муслимин” (“Мусулмонлар нури”) деб ном кўйганлигини айтади.

“Асар арузнинг хазажи мусаддаси махзуф (мафойилун мафойилун фаувлун, чизмаси: V – – –/ V – – –/ V – –) вазнида ёзилган.

“Муножот” – Оллохга илтижо тарзида яратилган насрий асар бўлиб, “Хамд”, “Наът” ва “Муножот” деб аталган уч қисмни ўз ичига олади. “Хамд”да Аллохнинг буюклиги, абадийлиги хақида сўз борса, “Наът”да Пайгамбаримиз расули акрам таърифлари кетирилади. Асарнинг “Муножот” қисми бевосита шоирнинг Аллохдан нажот сўраб қилган илтижоларига бағишланган. Асарнинг ҳар бир жумласи Аллохга мурожаат, яъни “илохи” сўзи билан бошланади. Навоий ўзини беҳад гунохкор, яратганни пок ва акрам (карамли), ўзини чексиз исёнкор ва Холикни раҳмли ва меҳрибон деб атар экан, ички кофия, тазод, иштикок санъатларининг бетакрор намуналари шоир хис-туйғулари билан уйғунлик касб этганлигини кўради:

Илохи, акрам ул-акрамин – сен ва мен – гунохкор.

Илохи, архам ар-роҳимин – сен ва мен тийрарўзгор.

Илохи, агарчи журму исёндин ўзга ишим йўк, аммо сендин ўзга ҳам кишим йўк...

“Муножот” асари мохиятан Ҳақ васлига ташна, орифлик мақомига эришган ошиқнинг хиссиётларини ўзида акс эттириб, жанрий жихатдан назм ва наср хусусиятларини намоён қилади. Асарнинг ўзига хос мусикий оҳанги, сажъ усулидан маҳорат билан фойдаланилганлиги унинг бадиий жихатдан қийматини оширган, деб айтиш мумкин. Мазкур асар ўзининг гоъвий ва бадиий хусусиятлари билан мумтоз адабиётимиздаги шох асарлари сифатида ўз ўрнига эгадир.

Алишер Навоийнинг тирандозлик – камондан ўк отиш фазилатига багишланган **“Рисола йи тийр андохтан”**

рисоласи хар бир фикрнинг соф диний далиллар – хадис ва ривоятлар билан изохланганлиги билан алохида характерланади. Рисола хажман кичик, муаллиф бунда камондан ўк узишнинг канчалик савобли амал эканини асослашга эътибор каратади.

Рисолада бир нечта хадис ва ривоятлар келтирилган бўлиб, улар куйидагилардир [4] :

· Хазрат Одам Ато алайхиссалом шайтон хийласи билан жаннатдан ерга туширилгач, Аллохнинг амри билан дехкончлик килади – бугдой экади. Аммо каргалар экилган бугдойни кавлаб еб кўя бошлагач, Худога муножот килади. Шунда Худо камон ва ўк юборади. Ёйдан ўк отишни фаришта Жаброил (алайхиссалом) Одам алайхиссаломга ўргатади. Одам Ато алайхиссалом каргаларга отган биринчи ўки тегмайди, фаришта Жаброил алайхиссалом табассум килади, иккинчи бор отилган ўк нишонга тегади, шунда Жаброил алайхиссалом ўз табассумини кўйидагича изохлайди: “Агар илк ўкининг нишонга текканида киёматгача хеч нарса болаларинг кўлидан кутулмас эди”.

Шундан кейин хазрат Навоий ўк отишни Худонинг лутфи, Одам Сафий алайхиссаломнинг мўъжизаси деб хулоса килади.

· Шайхлардан Шафики Балхий жон бериш чоги ўк-ёй олиб келиб ўк отади. Дўстлари буни кўриб “Шайх шифо топибди” деб хурсанд бўлдилар. Шунда шайх ўз холатини: “Умрим охирлабди, шунда бир яхши амал килгим келди. Бирор амални ёйдан ўк узишдан кўра яхширок деб топмадим. Чунки ўк отишда савоб кўп”, – деб изохлайди.

· “Кимки, камончиликни ўрганиб, сўнг тарк этса, суннатимдан юз ўгирган ҳисобланади. У мендан эмас”.

· Расулуллох саллолоху алайхи ва саллам камончиликнинг фазилатини кўп айтдилар. Сахобалар камондан ўк отишнинг савобини канча миқдорда едб сўрадилар. Шунда У Зот алайхиссалом: “Агар камончиликнинг савобини айтсам, халк тирикчиликни ташлаб, камондан ўк отишга берилиб кетади. Бир соат ўк отишнинг савоби эллик йиллик тоат савоби билан тенгдур. Агар ким ўк отса, Аллох унга жаннатийлар савобини беради, нишонга тегизса, жаннат эшигини очиб, бир хурни унга атайди”.

· Бир куни Пайгамбаримиз алайхиссалом борар эдилар. Сахоба Саъд Ваккоснинг ўз фарзандларига камондан ўк отишни ўргатаётгани устидан чидилар. Расулulloх томоша килиб турдилар. Шу пайт бир йигит келиб, ёйан ўк узди. Расули Акрам саллолоху алайхи ва саллам хушнуд бўлдилар. Сахобалар бунинг сабабини сўраганларида: “У йигит келганида гунохлари кўп эди, ўк отди – гунохлари тўкилди, шунинг учун шодландим”, – деб изох бердилар.

· “Агар бир жойга масжид куриладиган бўлса, у ер менда масжид курадилар деб 40 йил олдин шодланади. Агар бир ерда ўк отиладиган бўлса, у ер менда ўк отилади деб 80 йил илгари хурсанд бўлади”.

· Али каррамаллоху важхаху гохо яланг бош ва яланг оёк ўк келтирар эдилар. Бир куни Саъд Ваккос ўк отар эдилар. Жаброил алайхиссалом келдилар. Расулulloх алайхиссалом мен учун ўк от дедилар. Шунда Жаброил алайхиссалом мен учун ҳам Саъд ўк отсин деди. Саъд Ваккос ўк отдилар. Шунда Расулulloх алайхиссалом Худойи таоло номи учун ўк отгил дедилар. Саъд ўк отдилар. Сахобалар нишонга бориб, икки ўкни топиб, учинчисини тополмадилар. Жаброил алайхиссалом айтдиларки: “Ё Мухаммад, у ўкни топмасинлар. Бу ўк жаннатда Саъд Ваккос учун ер олиб турибди”.

Кўриб ўтганимиздек, Навоий камондан ўк отишнинг канчалик савобли амаллардан эканлигига асосий ургуни каратади. Бу бежиз эмас, чунки ўрта асрларда юрт химояси аскарларнинг фидойи ва жасурлиги ҳамда бевосита куролларни, айникса, камонни махорат билан ишлата билиши билан таъминланган. Мазкур асар Ватан химоясига чоғланган йигитларни ўз ишларининг Тангри ва пайгамбар томонидан севилган, маъкул кўрилган амал эканлигига ишонтиришга хизмат килган.

“Рисолайи тийр андохтан” асари факат диний далиллардан иборат ҳамда баён тилининг бошка илмий асарларидан содда ва тушунарли эканлиги, бадий бўёқдор эмаслиги билан алохида характерланади. Бу ҳам асарнинг омма учун махсус бағишланган дейишга асос беради.

Алишер Навоийнинг **“Насойиму-л-мухаббат”** (тўлик номи “Насойиму-л-мухаббат мин шамойилу-л-футувват” – “Мардлик хушбўйликларини таратувчи мухаббат шабадалари”)

асари

1495-96 йилларда яратилган бўлиб,

Абдурахмон Жомийнинг “Нафахот ул-унс мин хазароту-л-кудс” (“Дўстлик таровати”)

асарининг ижодий таржимасидир.

Асарнинг танкидий матни муаллиф яшаган даврда кўчирилган нусха асосида 1996 йил Туркия (Анкара)да Камол Эраслон томонидан яратилган. 2011 йил навоийшунос олим Х.Исломов ҳам мазкур асарнинг илмий-танкидий матнини яратиб, чоп килдирди.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафахот ул-унс” асарида 616 та шайх хакида маълумот келтирилган. Хазрат Навоий бу маълумотларни қайта ишлаб, тўлдириб, шайхлар сонини 770 тага етказди, улардан 35 тасини авлиё аёллар ташкил этади.

Адабиётшунос олим Н.Рамазонов “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир” мақоласида [5] “Насойиму-л-мухаббат” ва “Нафохату-л-унс”ни киёслар экан, хазрат Навоий тазкиранинг кириш қисмини таржима килмасдан ўзи ёзганини маълум қилади.

“Насойиму-л-мухаббат” муқаддима (хамд, наът ва асар ёзилиш сабаби, “Бу тоифа муқаддима тамҳиди”, “Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр килмок”), 770 шайх зикрини ўз ичига олган асосий қисм ва хотимадан иборат.

Хазрат Навоий асарнинг ёзилиш сабаблари хакида тўхталар экан, Жомий ва ўз тазкираси ўртасидаги фарқларни айтиб ўтади. Унга кўра:

- “Нафохату-л-унс”да Фаридиддин Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё” асаридаги баъзи авлиёлар тушириб қолдирилган, Навоий эса уларни ўз тазкирасида зикр қилган;

- Жомийда хинд ва турк машойих (шайх)ларига кенг ўрин ажратилмаган, лекин хазрат Навоий мумкин қадар уларнинг барчасини ўз асарида акс эттиради;

Шунингдек, шоир “Насойиму-л-мухаббат”да Абдурахмон Жомий ва унинг замондоши бўлган валий зотлар ҳаёти ва фаолиятини ҳам ёритганини маълум қилади.

“Бу тоифа сулукида мукаддима тамхиди” деб аталган қисмда Навоий инсон яратилиши сабаби, Аллохнинг хикмати, пайгамбарлар саййиди Мухаммад саллаллоху алайхи ва салламнинг Хакка хабиб эканлиги билан боглик тушунчаларни баён қилади. Алишер Навоий Расулulloх саллоллоху алайхи ва салламдан сўнг пайгамбарлик эшиги беркитилган бўлса-да, мўминлар пок эътикод, такво билан Аллохга дўстлик – валийлик мақомига эришишлари мумкин, чунки “Олимлар – пайгамбарларнинг ворисларидир”, валий зотларнинг барчаси Аллох йўлида собит бўлган зотлардир, улар халқни тўғри йўлга бошлайди, деб таъкидлайди.

Мукаддиманинг “Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр қилмоқ” деб номланган қисми авлиёларнинг аъмоли – амаллари, афъоли – феъл-атвори, муомилоту риёзати – муомаласи (халқ билан муносабати) ва Хак йўлида чекадиган машаккатларини ёритишга бағишланган. Унда валий зотлар билан боглик лукма ҳалоллиги, шариатга амал қилиш, имон калимасини рухга сингдириш, беш вақт намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳаж қилиш, одоб, хилм, тақдирга ризо бўлиш ва сабр қилиш, сидқ – ростгўйлик, риёзат чекиш каби амаллар келтириб ўтилади. Бу фазилатли амаллар оддий одамларникидан фарқ қилади. Асарда келтирилишича, имон калимаси – калимаи шаҳодатни ҳамма чин дилдан айтиши мумкин, лекин валийлар бу каломни айтиб, хушларини ҳам йўқотишлари мумкин. Ёки шариатда закот молнинг қирқдан бир қисмини фақирларга бериш билан амалга оширилса, валийлар кўлидаги нарсанинг ортиги билан эҳсон қилишни закот деб билишлари ҳақида ибратли фикрлар келтирилади (шайх Абу Бакр Шиблийнинг бир фақиҳга берган жавоби мисолида).

Бундан ташқари, лукма ҳалоллигига эришиш учун ҳар бир валий зот ўз касби қорига эга бўлган. Масалан, Шайх Абу Саид Харрози, Хожа Абдуллох Ансорийлар этиқдўзлик, шайх Мухаммад Саккок пичокчилик, шайх Абу Хафз Хаддод темирчилик билан машғул бўлганлар.

Ислом ақидасига кўра мўъжиза ва қаромат ҳақдир. Мўъжиза пайгамбарлар томонидан Аллохнинг қудрати билан амалга ошириладиган ва инсон ақли етмайдиган ҳодисалар бўлса, авлиёларнинг бу каби ишлари қаромат дейилади. Булар умумий ҳаворикки одат – гайриодатий, гайритабиий ишлар, деб аталади. Масалан, дуолар ижобати, гайб сирларидан огоҳ бўлиш, инсон кўнглидаги ўйни англаш, сув ва таомсиз рўза тутиш, бир лаҳзада дунёнинг у четидан бу четига бориб қолиш каби оддий инсон ақли учун гайритабиий бўлган ҳолатлар авлиёларга хос бўлиб, уларни кўп ошқор қилмаслик

валийнинг юксак макomini билдиради.

Шундан сўнг бевосита валийларнинг номлари ва таржимаи холи билан боглик маълумотлар келтирилади. Номи зикр этилган илк валий зот – авлиёлар султони деб улугланган Увайс Каранийдир. Увайс Каранийнинг Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва салламга гойибона ошик бўлганлиги, унинг кучли ва мустахкам мухаббати барча ислом уммати учун ибрат ҳисобланади.

Асарда авлиёларга доир маълумотлар турли хажмда бўлиб, баъзилари хакида бир жумла билан кифояланилса, баъзи шайхлар таърифига кенг ўрин ажратилади. Авлиёларнинг таржимаи холидаги маълумотлар муайян мезонларга эга эмас: айрим шайхларнинг яшаган йиллари, жойлари, касби корлари ва хоказолар билан боглик маълумотлар батафсилрок келтирилса, баъзиларининг факат каромат ёки ўғитларидан парча берилади.

Тазкирада асосий эътибор валий зотнинг амалига каратилган. Хар бир авлиё шариат ҳукмларини сўзсиз ва итоат билан адо этиб, Хак васли талабида мол-дунё ташвишидан, ўз борлигидан мутлако воз кечади. Бу дунёга заррача мухаббат кўйиш Хак ишкига соя солади, деб эътикод килинади. Хар бир авлиё хакидаги маълумотлар таркибида араб тилидаги байтлар, хикматли фикрлар бериб борилади.

“Насойиму-л-мухаббат” таркибида тилга олинган авлиёлар орасида исломдаги тўрт мазҳаб бошликлари – имом Аъзам, имом Молик, имом Шофеъий, имом Ахмад ибн Ханбалдан тортиб Мухаммад Газзолий, Бахоуддин Валад, ўгли Жалолиддин Румий, Румийнинг ўгли Султон Валад каби буюк зотлар хакидаги турли кизикарли, ибратли хикояларга дуч келамиз. Ушбу авлиёлар хакидаги маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, тасаввуф тарихини ўрганишда алоҳида ахамият касб этади (Масалан, Жалолиддин Румийга болалигида Фариддин Аттор ўзининг “Асрорнома” асарини хадя килиши ёки Шамсиддин Табризий ва Румий учрашуви билан боглик маълумотлар).

Умуман олганда, хазрати Алишер Навоийнинг авлиёлар таржимаи холига багишланган мазкур “Насойиму-л-мухаббат мин шамойилу-л-футувват” асари шоирнинг етук мутасаввиф олим сифатидаги фаолиятини кўрсатувчи муҳим манбадир.

Алишер Навоийнинг мазкур диний йўналишдаги асарларини ўрганиш оркали унинг динга бўлган муносабати, эътиқоди билан боғлиқ муайян маълумотлар олиш билан биргаликда, унинг ислом илмларининг етук билимдони эканлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Бу улуг шоирнинг ўз даври ижтимоий ҳаётида тутган ўрни нечоғлиқ муҳим бўлганлигини белгилаб берувчи ўзига хос омил эканлиги билан ахамиятли саналади.

Адабиётлар:

1. Навоий Алишер. Вакфийя. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1998. 14-жилд. – Б. 231-270.
2. Навоий Алишер. Арбаъин. Сирож ул-муслимин. Муножот. Рисолаи тийр андохтан. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 2000. 16-жилд. – Б.261-308.
3. Навоий Алишер. Вакфийя / Нашрга тайёрл. И.Шамсимухамедов. – Т. : Фан, 1991.
4. Муножот / Нашрга тайёрл. ва лугатлар муаллифи: Суйима Гани кизи. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991.
5. Арбаъийн / Нашрга тайёрл. Каримбек ва Саидбек Хасан; Шархловчи А.Рустам. – Т.: Мерос, 1991.
6. Арбаъин: Кирк ҳадис шарҳи / Сўз боши муаллифлари ва шархловчи: К.Аҳад, О.Маҳмуд. – Т. : Адабиёт ва санъат, 1995.

7. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент.: Movarounnahr – O'zbekiston NMIU, 2009.
8. Каюмов А. Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011.
9. Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир / Навоийнинг ижод олами (маколалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.
10. Ражабова М. “Назм ул- жавохир” тарихига оид мухим манба / Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул ахамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: Ўзбекистон, 2011.
11. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 2-жилд (XV асрнинг иккинчи ярми). – Т.: Фан, 1977.
12. Шамсимухамедов И.У. “Вакфийе” Алишера Навои как литературный памятник: Дисс.
н
а соискание канд филол. Наук
·
-
Т.,
1991.
13. Исламов Х. И. “Насойимул мухаббат” Алишера Навои и его науч-но-критический текст
:
Дисс.
н
а соискание канд филол. наук
·
-
Т.,
1990.

[1] Асар юзасидан И.Шамсимухамедов номзодлик диссертациясини химоя килган.

[2] Адабиётшунос М.Ражабова “Назму-л-жавохир”нинг яратилишига яна бир сабаб сифатида хазрат Али кабрининг Балхда эканлиги ва уни тахкик этишда Алишер Навоийнинг шахсан ўзи катнашганлигини келтириб ўтади. (Бу ҳақда қаранг: М.Ражабова. “Назм ул- жавохир” тарихига оид муҳим манба // Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул ахамияти (халқаро илмий-назарий анжуман материаллари). – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.72-75.
)

[3] Кохин – башорат килувчи шахс.

[4] “Рисолаи тийр андохтан” асари навоийшуносликда кам ўрганилганлиги учун рисоладаги хикоятларни тўлиқ келтиришга қарор қилдик.

[5] Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.

Дилнавоз Юсупова

